



ВАТАН ХОИНИНИНГ ИСМИ

Ассалому алайкум. Ман бу саволни Муҳаммад Солиҳ жаноби олийларига бермоқчи эдим.

Мен учун хурматли ва азиз инсон бўлган Муҳаммад Солиҳ жаноблари, мен Ўзбекистон фуқаросиман (исминини ёзишни жоиз кўрмадим ҳозирча) ёшим 27 да, ман сизни инсон, сиёсатчи, шоир, ватанпарвар, ҳақиқий муҳолифатчи сифатида жуда ва жуда қаттиқ хурмат қиламан. Мактабда ўқиб юрган кезларимда сизни менга, яъни барча ўқувчиларга, «ватан хоини, халқ душма-

ни» деб кулоғимизга қўйиб келишган.

Бир куни тарих фани ўқитувчимиз дарс охирида биз ўқувчиларга ватан хоинларини исмларини ёдлаб келишимизни тайинлади ва чиқиб кетди. Кейинги дарсга синфга кирар-кирмас мени доскага чиқишимни сўради. Кейин «ватан хоинларини исмларини айтиб бер» деди, мен ўқитувчимга уларни исмларини билмаслигимни айтдим ва бош-юз қисимга бир неча кучли зарбаларни ҳис

қилдим... Ўзимга келганимда раҳматли дадам тепамда турардилар, олдидарида мактаб директори, тарих ўқитувчиси, участка нозири зир-зир титраб туришарди, раҳматли дадам мендан нима бўлиб ўтганини сўрадилар, мен ҳам бор гапни айтдим. Кейин дадам мактаб директорини ва тарих ўқитувчисини уриб ташладилар, участка нозири зўрға ажратиб олди. Мени уйга олиб кетдилар, ҳеч қаерга шикоят қилмадик, уйга келгач дадамдан сўрадим: «Дада, халқ душманлари кимлар?» деб, шу пайт теливезорда кўрсатиб,

олқишланиб турган ЗОЛИМ, ЖОҲИЛ, ФИРЪАВН (мен уни фиръавн деб атаيمان) КАРИМОВни кўрсатиб, «мана халқ душмани» дедилар. Мен ҳайрон бўлиб теливизорга қарардим. Ўшанда сиз ҳақингизда, сизни Ўзбекистон мустақил бўлишидан олдин ва кейин халқ учун нималар қилганингизни айтиб бердилар. Ўшанда 9-синфда ўқирдим (ҳаммасини ёзишга сабрим етмади)

Энди саволга келсак. Биз сизни қачон Ўзбекистонга келганингизни кўрамиз? Қачон парламентда нутқ сўзлаб турганингизга гувоҳ бўламиз? Қачон бу золим котил фиръавннинг жинойтларини кирди-корларини фош қилганингизни кўрамиз, бу бечора халқимизни ботқоқликдан олиб чиққанингизни кўрамиз?

Қачон ҚАРДОШЛАРИМИЗ билан ярашганимизни кўрамиз (турк жумҳуриятларини назарда тутяпман) ёки буларни кўра олмай бу дунёдан мен ҳам, Дадамдек армонда ўтиб кетаманми?

Жавобиз учун олдиндан катта раҳмат. Тез кунда ўз исмин билан ёзаман, хурмат ила

Муҳолифатчининг ўғли



Шоир, ёзувчи ва сиёсий арбоб, Ўзбекистон «ЭРК» Демократик партияси раиси ҳамда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳнинг асарлари мажмуаси нашрдан чиқгани аввал ҳам хабар қилинган эди.

М.СОЛИҲНИНГ ТўЛА АСАРЛАРИ ТўПЛАМИ ИНТЕРНЕТДА

Бугун ушбу мажмуанинг электрон нусхаси муаллифнинг шахсий блогига эълон қилинди. Қуйида барча жилдларнинг интернетдаги манзилни келтирамиз:

1. Вал-Фаҳр http://muhammadsalih.files.wordpress.com/2013/10/01_val_fajr.pdf
2. Иқроп http://muhammadsalih.files.wordpress.com/2013/10/02_iqror.pdf
3. Йўлнома http://muhammadsalih.files.wordpress.com/2013/10/03_yolnoma.pdf

4. Туркистон шуури http://muhammadsalih.files.wordpress.com/2013/10/04_turkiston_shuuri.pdf

5. Стихи и Публицистика http://muhammadsalih.files.wordpress.com/2013/10/05_stihi_i_publicistika.pdf

6. Муҳаммад Солиҳ ҳақида http://muhammadsalih.files.wordpress.com/2013/10/06_muhammad_solih_haqida.pdf

7. Freedom of unarmed man http://muhammadsalih.files.wordpress.com/2013/10/07_freedom_of_unarmed_man.pdf

Муҳаммад Солиҳнинг барча китобларини ушбу манзилдан ўқиш мумкин: <http://muhammadsalih.com/books/>

ЎХХ хабар маркази

“ЭРК” ФАОЛИ ФАХРИДДИН ТИЛЛАЕВ ОЗОДЛИККА ЧИҚДИ



Ўзбекистонда мардикорлар қасаба уюшмаси таъсисчиларидан бири Фаҳриддин Тиллаев бугун 2013 йил 8 октябр куни 15 кунлик қамоқ муддатидан кейин озодликка чиқди.

Фаҳриддин Тиллаев, бундан ташқари, «Эрк» демократик партияси ҳамда УХХ фаолидир. У бир муддат аввал Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди томонидан «Майда безорилик», «Тўхмат» ва «Интернетда нотўғри фактларга асосланган мақолалар» чоп қилишда айбдор деб топилган ва 15 сутка қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди.

ЎХХ хабар маркази

ТОЖИК МУЛОЗИМИ: “ЎЗБЕК ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИНИНГ АЙБИ БИЛАН ПОЕЗД ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ”



Тожикистоннинг пассажир поезда Ўзбекистон худудида издан чиқиб, ағдарилди. Ҳодиса 10 октябр куни эрталаб рўй берган. Биздаги маълумотларга кўра, 267 йўловчидан 33 нафари тан жароҳати олган. Айтиш пайтда уларга биринчи ёрдам кўрсатилмоқда.

Тожикистон “Темир йўллари” давлат унитар корхонаси расмийси Усмон Қаландаров бу маълумотни тасдиқлади. “Бугун эрталаб Душунбе-Конибодом йўловчи поезда Ўзбекистоннинг Ғаллаорол туманида авария бўлди.

Элликдан ортиқ киши турли даражада жароҳат олди. Шукрки, курбонлар йўқ. Йўловчиларнинг аксарият қисми ҳарбий хизматга чақирилган ёш йигитлар. Поезд йўлга чиқишдан аввал техник кўрикдан ўтказилган. Бу ерда техник носозлик йўқ. Бизингча, ҳодиса айнан ўзбек темирйўлчиларининг айби билан юз берди. Чунки ўша массивни таъмирлаётган темирйўлчилар машинистни йўлда таъмирлаш ишлари қетаётганидан огоҳлантирмаган”, деди Ўзбекистон Халқ Ҳаракати муҳбири билан суҳбатда тожик расмийси Қаландаров.

Ўзбекистонлик масъулларнинг билдиришича, йўловчиларга биринчи ёрдам кўрсатилиши билан бирга, ҳодиса сабаблари мутахассислар томонидан ўрганилаётир.

Хулосалар эса ҳозирча эълон қилингани йўқ. Тожикистон “Темир йўллари” ширкати масъули Усмон Қаландаровга кўра, тан жароҳати ол-

ганлар туман касалхонасига ётқизилган. Талофат кўрмаган йўловчилар эса уйларига қайтарилмоқда. Тожикистоннинг жанубини шимолий қисми билан бириктирувчи ягона темир йўл Ўзбекистон худудидан ўтади. “Бизнинг бошқа йўлимиз йўқ. Фақат шу йўл, яъни Ўзбекистон худуди орқали айланиб ўтиш бор холос, муаммо ҳам шунда”, деди Қаландаров. Расмийнинг маълум қилишича, бундан аввал Тожикистон “Темир йўллари” ширкати йўловчи ташувчи поездлари билан боғлиқ бу хил ҳодисалар қайд этилмаган.

2009 йилдан бери Ўзбекистон ва Тожикистон темирйўлчилари орасида турли келишмовчиликлар пайдо бўлиб келган. Тожик расмийлари ҳар гал Ўзбекистонни Тожикистонни иқтисодий қамал қилишга урунаётганликда айблаб келади.

ЎХХ хабар маркази



ЎЗБЕК АЁЛЛАРИНИ ЎЗБЕК ЭРКАК МУЛОЗИМ ЕЧИНТИРГАН ВИДЕО ТАРҚАЛДИ

WhatsApp орқали юборилган видеотасвирда бир гуруҳ қизлар Ўзбекистоннинг бизга номаълум идорасида эркак мулозим томонидан ечинтирилмоқда.

Бир ярим дақиқалик видеотасвирда кадр ортидаги эркак киши аёлларга ечинишни буюради. Тасвирга олинаётган аёллар эса буйруққа ҳеч бир қаршилиқсиз итоат қилган ҳолда уст ва ички кийимларини ечади.

Видеотасвир Ўзбекистоннинг айнан қайси туман ёки шаҳрида, қайси идорасида олингани ҳозирча номаълум. Лекин ўзбек аёлларининг эркаклар томонидан ечинтирилиши жараёни айнан Ўзбекистон худудида бўлиб ўтаётгани аниқ.

Қизларни ечинишга буюраётган эркак мулозимнинг шеvasи, гапириш оҳангидан аёлларни ғайриоддий текшириш жараёни Ўзбекистоннинг жанубида кечаётгани сезилади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Ўзбекистонда очикчасига таҳқирланаётган ўзбек аёлларнинг қандай иш билан шуғулланиши ҳам номаълум.

Айни пайтда ўзбекистонликлар орасида яшин тезлигида тарқалиб, қўл телефонлар орқали қўлма-қўл бўлиб кетган видеотасвир мамлакат ичкараси ва ундан ташқарида жуда катта баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Бутун дунёда амалдаги тажрибага биноан, аёлларни текшириш ёки тинтув ишлари аёллар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг чегара худудларида назорат ўтказиш пунктларида инсон ҳуқуқларининг қўпол тарзда бузилаётгани қайдга олинган. Ўзбек божгирлари йўловчи аёлларга ўта қўпол муносабатда бўлаётгани, ҳатто баъзи ҳолатларда қиз-жувонларга тегажоглик қилаётгани кузатилган.

Бугун Ўзбекистон давлат тизимларида аёл кишини текширувчи аёл ходимлар ёки замонавий ускуналар йўқми? Нима учун бу “масъулиятли иш” эркак мулозимларга юклатилаяпти? Бундан кўзланган мақсад ўзбек мулозимларининг кўнгил хушлигимиз ёки аёлларини таҳқирлашми бу ноаниқ қолмоқда.

ЎХХ хабар маркази

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ФАОЛИ ҲАСАНХОН РАУПОВ ВАФОТ ЭТДИ

Биз мураккаб шароитда яшаётганимиз учун фаолларимизни номларини кўп ҳам ошқор этавермаймиз. Ҳасанхон Раупов Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг Чортоқ тумани бўлимининг ҳақиқий жонкуяр фаолларидан бири сифатида 20 йил мобайнида фаолият олиб борди.

Ҳасанхонни Чортоқ санаторияси худудида хусусий чойхонаси бор эди. Шаҳардан ташқарида, тинч жой бўлганлиги учун биз муҳолифатчилар, ҳуқуқ фаоллари бу чойхонада кўп бор учрашиб турардик. Йиғилишларни ҳам асосан шу ерда ўтказар эдик. Бундан ташқари Ҳасанхон зиёлиларга ҳос характерга эга бўлганлиги учун таниқли санъаткорлар, олимлар доимо унинг чойхонасига ошиқишар эди.

Шеърхонлик қилар эдик, унинг тоғаси кекса санъаткор Расул ака Ҳасанов ижросида мумтоз кўшиқлар эшитиб дам олар эдик, сиёсат оламидаги воқеаларни муҳокама қилар эдик. Куни кеча укамиз юқорида ўзи айтган касаллик оқибатида оламдан кўз юмди.

Биз ташкилотимиз фаоллари, дўстларимиз номидан Ҳасанхон Рауповни оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламиз.

Укамизни охирати обод бўлсин!

Носир Зокир

2013 йилнинг 5 октябр куни ЎХХнинг фаол аъзоси Фахриддин Тиллаев 15 кунлик қамоқдан чиқди

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани “Жиноий ишлар бўйича суди”нинг чиқарган қарорига кўра: “Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 52-моддаси (енгил тан жароҳати), 183-моддаси (майда безорлик), 39-моддаси (ОАВ орқали тухмат қилиш) ва 34-моддаси “энг кам иш ҳаққининг ўн баробаридан ўн беш баробаригача яъни, 1 миллион 750.0 минг сўм миқдоридан жаримага тортилсин.

МЖТКсининг 34 моддаси асосида 15 “сутка” қамоқ жазосини ўташ давомида ИИБнинг ходимлари қарорни тўлиқ амалга оширсинлар. Фуқаро Тиллаев Фахриддиннинг озик-овқат билан таъминлаш борасидаги харажатлар 205.60 сўм миқдоридан ундириб олинсин”, деб қарор чиқарган...

У вақтинчалик яшаб келаётган хонадон бошқа фуқаро номига расмийлаштирилган. Бу аёл Чилонзор тумани ИИБнинг маъсул ходими Илҳом Остоноқулов томонидан “вақтинчалик прописка” қилинган. Бунақа норасмий ҳужжатларни фақат ва фақат ИИБнинг ходимлари ўз жиғилдонларини ўйлаб қилишади.

“Даъвогар”, Юлия Лыкованинг ИИБга ёзган шикоят аризасини “Маъмурий иш”дан тополмадик. Унинг номидан ёзилган рус тилидаги, “тушунтириш хати” борлигига амин бўлдик. Бироқ у ўзининг “тушунтириш хати”да қайси кунни воқеа содир бўлгани ҳақида ёзмаган...

Чилонзор тумани ИИБнинг ходими Илҳом Остоноқулов томонидан, “маъмурий иш”да “Билдирги”лар ёзилган бўлиб, даъвогар Ю.Лыкованинг енгил тан жароҳати олганлиги ҳақида “суд мед экспертизаси”нинг хулосаси юзасидан

ФАХРИДДИН ТИЛЛАЕВ ИШИ. “ПРОТОКОЛ”ДАГИ СОХТА АЙБЛОВЛАР

2013 йилнинг 20 сентябр куни Чилонзор тумани “Жиноий ишлар бўйича суди”нинг чиқарган қарори ва Чилонзор тумани ИИБнинг ходими Илҳом Остоноқулов томонидан тузилган, “протокол” юзасидан суриштирув ишларини олиб бордик.

Протоколдаги гиж-гиж сохта айбловларни кўрган одамнинг “Эй, Аллох! Ўзинг бизни бу тухмат ва бўҳтондан асра!” дейиши ҳеч гап эмас:

Протоколнинг биринчи бетига “2013 йил 31 август куни, “Суд медэкспертизасининг хулосаси” тикилган. Хулоса юзасидан, “суд мед экспертизаси”нинг ходимларидан суриштирганимизда, (уларнинг илтимосларига кўра, фамилия исимларини келтирмадик). “Бунақанги хулосалардан минг-минглаб беришимиз мумкин. Чунки, ким “кўки”дан берса, “хулоса” шу захотиёқ тайёр бўлади. Ваҳоланки, ҳар бир хулоса берилаётган вақтда даъвогар ва ИИБнинг ходимларидан ташкил бўлган маъсул шахслар бўлмоғи лозим. Бу ерда берилган “суд мед экспертизаси”нинг хулосасида ИИБ томонидан ҳеч қандай вакил қатнашмаган. Бундан ташқари, даъвогарнинг ИИБга мурожаат қилган аризаси йўқ...” деб жавоб беришди. “Олинган хулоса жавобгарлигини ким бўйнига олиши мумкин?” деб сўрадик. Улар албатта ўша, “жабрыйди”-да деб жавоб беришдилар...

Фуқаро Ф.Тиллаевнинг “даъвогари”, Юлия Лыкованинг паспортдан кўчирмалар келтирилган. Унинг паспортда Тошкент вилояти Қибрай туманида доимий “прописка” қилингани айтилган. Аммо, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 7 даҳаси, 50 уй, 43 хонадонда “прописка” қилингани ҳақида ҳеч қанақанги ҳужжат йўқ.

Хаттоки, “Боғистон” маҳалласининг раиси томонидан билдирилган фикрга кўра, “Ю.Лыкова ҳеч қачон бизнинг маҳалламизда яшаётганлиги тўғрисида расмий ҳужжатлар қайд қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 52 моддаси асосида “маъмурий иш” кўзғатилган.

Фуқаро Ф.Тиллаевни билган ва билмаган номаълум шахслар томонидан аризалар олиниб, аризани ёзиб берган фуқароларнинг “воқеа”дан қанчалик “хабардор” эканликлари “маъмурий иш”да кўриниб турибди.

Улар фуқаро Ф.Тиллаев ва Ю.Лыковаларнинг ўзаро жанжалларини кўрмаган бўлса-да, ИИБ ходими И.Остоноқулов фуқаролардан олинган “тушунтириш хати” юзасидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 183 моддаси яъни, “майда безорилик содир этган” деб “билдирги” (рапорт) ёзган.

2013 йилнинг 25 август кунда www.uznews.net сайтида нашр этилган мақола ва фуқаро Фахриддин Тиллаевнинг расми “маъмурий иш”да кўрсатилган. Бироқ мақола муаллифи ҳақида бирон-бир исм-шариф келтирилмаган. Бу ҳаракат Ўзбекистон Республикаси “ОАВ тўғрисида”ги қонунига зид ҳисобланади. Чунки «муаллиф ҳақлари» (“авторские права”) деган байналмилал бир ҳуқуқ бор. “Ўзноснет”даги мақола ҳуқуқан “анонимка” дир.

Интернетда яъни, Россия Федерациясига тегишли бўлган, “ОАВ”ларидан бири бўлмиш, “Собеседник.ру” сайтида келтирилишича, “Мардикорлар касабга уюшмаси”нинг вакиллари Фахриддин Тиллаев ва Абдулло Тожибой ўғли ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари орқали Ўзбекистондаги тузумни ўзгартириш учун, диний кучларни ҳуқуқат тепасига келишида “Мардикорлар”дан фойдаланаётганлиги тўғрисида гап боради.

Бу иккала мақолани ёзган “мухбир”нинг фамилияси ва исми келтирилмаган. Бу ҳам “провокация”нинг бири тури бўлиб, инсонни “жиноятчи”га айлантириши ҳеч гап эмас. ИИБнинг маъсул ходими буни ҳам ино-

батга олиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 39 моддаси асосида яъни, “ОАВ” орқали фуқароларга тухмат уюштиришда” Ф.Тиллаевни айбдор қилиб кўрсатган. Судда Ф.Тиллаев судья Б.Муҳиддиновдан мақолани ёзган “мухбир”ларни судда қатнашиши ва улар қонун олдида жавоб беришларини талаб қилган. Судья Б.Муҳиддинов эса кўзини “кўр” қулогини “қар” қилиб олди...

Фуқаро Ф.Тиллаевнинг 2013 йилнинг 3 сентябр куни Чилонзор тумани ИИБнинг бошлиғи А.Юлдашев ва Чилонзор тумани прокурори И.Ҳакимов номларига ёзилган шикоят аризаси келтирилган бўлса-да, судда Ф.Тиллаевнинг аризалари инobatга олинмади.

Худди шунингдек, фуқаро Ф.Тиллаев томонидан судья Б.Муҳиддиновга тақдим этилган ҳужжатлар олинган бўлса-да, судья Б.Муҳиддинов, “маъмурий иш”ни бир томонлама олиб борди.

Яъни, “юқори”нинг “закази”ни бажарди. Ваҳоланки, ИИБнинг ходими Илҳом Остоноқулов томонидан тузилган “маъмурий иш” юзасидан фуқаро Ф.Тиллаев судда ўз сўзини айтиб, “протокол” сохта ҳужжатлар асосида тузилгани ва ИИБнинг ходимига ҳамда “даъвогар”, Юлия Лыковаларга нисбатан жиноий иш очиш уларга нисбатан қоралар кўришни айтди. Фуқаро Ф.Тиллаев суд ишида прокурор ва адвокат бўлишини талаб қилган бўлса-да, судья Б.Муҳиддинов инobatга олмаган ва суд қарорида бу ҳақида лолим дейилмаган. Бундан ташқари, судда “маъмурий иш”ни кўраётган вақтда Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг томонидан яширин камера билан суд жараёни видеога қайд қилинди. Албатта, бу судьянинг рухсати асосида амалга оширилди.

Фуқаро Ф.Тиллаевга тузилган “протокол”да унинг имзоси йўқ. “Маъмурий иш” билан танишиб чиққанлиги ҳақида Ф.Тиллаевнинг “тушунтириш хати” ҳам йўқ. Суд ва ИИБ томонидан фуқаро Ф.Тиллаев номига юборилган “чақирув қоғоз”лари берилмаган. “Маъмурий иш”ни кўриб чиққан судья Б.Муҳиддинов юқоридаги камчиликларни кўриб турган бўлса-да, даъвогар Юлия Лыкованинг сўзига амал қилиб, яъни, “Мен суддан фуқаро Ф.Тиллаевни жаримага тортмасдан 15 “сутка” қамоқ жазосини тайинлашларингизни сўрайман” деган сўзи судьяга қўл келди. Шу билан фуқаро Ф.Тиллаевга 15 “сутка” қамоқ жазоси белгиланди.

P.S. Фуқаро Ф.Тиллаев 15 “сутка” қамоқ жазосини ўтаётган вақтда унинг яқин қариндошлари Тошкент шаҳри, “панельный” вақтинчалик сақлаш хибсхонаси” га боришган. Улар ИИБ томонидан таъқиб остига олинганлар. Хатто Чилонзор тумани “жиноий ишлар бўйича суди”га ариза билан мурожаат қилган шахсларнинг аризаси қабул қилинмаган ва суднинг қарорлари берилмади....

Абдилло Тожибой ўғли

КОЛЛЕЖ ТАЛАБАЛАРИДАН ТУРМУШ УРМАСЛИК ҲАҚИДА ТИЛХАТ ОЛИНМОҚДА



Хоразм вилоятининг шимолида жойлашган Саноат Касб-Хунар коллежлари талабаларидан, коллежни тугатмасдан, уйланмаслик, турмушга чиқмаслик ҳақида тилхат олинмоқда. Бу хабарни бизга исми сир қолиши шарти билан коллеж талабаси жўнатди.

Коллеж талабаси бизга тилхат нуسخасини ҳам жўнатди. Тилхат қўлда ёзилган бўлиб ўқувчининг имзоси билан тасдиқланган.

Тилхат мазмуни мана бундай:

“Мен кол-лежни тугатмасдан уйланмайман (турмушга чиқмайман). Агар уйлансам (турмушга чиқсам) коллеж маъмурияти томонидан ҳар қандай жазога розиман.”

Бу тилхат мазмунига кўра, талаба ёшлар ўқиш пайтида турмуш қуриши манъ қилинган.

Мансур (исми ўзгартирилган) исмли талабанинг айтишича бу тилхат талабалардан ўқишнинг илк кунларида олинган, тилхатни талабаларга бириктирилган домлалар талабалардан мажбуран ёздириб олган. Бу тилхат кейинчалик коллеж архивида сақланар ва ким бунга қилмаса жазоланар экан.

Шу ҳолат, фарзандларининг турмуш қуришини истаган ота-оналар учун муаммолар келтириб чиқармоқда.

Масалан, Гуран туманининг коллеж талабаласи онасининг касаллиги боис, онаси фарзандининг тўйини кўриш учун ўқиш вақтида уйланган. Тўйдан кейин талабага коллеж томонидан тазйиклар бўлган, талабанинг ўқишига тўй салбий таъсир кўрсатган. Бу ҳақда бизга тазйик остида қолган талаба хабар берди.

Бундай тилхат ва тушунтириш хатлари Ўзбекистоннинг бошқа коллежларидан ҳам олинган, масалан, Тошкент коллеж талабаларидан “Интернет тармоқларидаги беҳаё сайтларга кирмаслик” ҳақида тушунтириш хатлари олинган.

ЎХХ хабар маркази



Хонликларга булиниши ва бу юртга булган тажовусга нисбатан бирлашмаганлиги ундаги юксакликка секин-аста таъсир қила бошлади. Шундай гузал урф-одатга эга булган ва дунёни узининг олимлари билан ром этган мамлакатда шу ҳолатни тушуниб уни ислох қилишлик учун уйғок онгли бир неча инсонлар чикди. Уша даврдаги хонлар ҳам уларга қарши курашди.

Халқда эса унга нисбатан ҳеч қанака ишонч йук эди.

Каримов қурқок, миллат гамини уйламайдиган, тахт учун ота-онасини ҳам сотадиган инсон эканлигини яхши билган коммунист раҳбарлари уни шу лавозимга қуйишликда ҳеч адашмаган эдилар.

Каримов охиргача коммунистларга қуллик қилди.

«МУСТАҚИЛЛИК»НИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА АТАБ ЧИҚАРИЛГАН АВТОБУС ВА ТРАМВАЙЛАРНИНГ ОРҚАСИГА ЁПИШТИРИЛГАН ТАМҒА...

**«Энг яхши тагсўз» мусобақаси ташиқил этилди.
Бунга ўз муносабатингизни билдиринг!!!**

дея сайтимизда мусобақа эълон қилган эдик. Ушбу мавзу юзасидан фикрларини очик ойдин айтганлар бир талай. Аммо биз улардан биттасини танлаб олдик. Бугун ваъда қилганимиздек, ғолибни эълон қиламиз. Ростгўй тахаллуси билан бизга изоҳ юборган иштирокчимизни ғолиб деб аниқладик. Мусобақа ғолибини табриқлаймиз, қолган иштирокчиларга ҳам фикр мулоҳазаларини билдирганликларни учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ростгўй

03/10/2013 — 23:21 (Тахрирлаш)

Ўзбекистон узининг дунёга танилган тарихига ва Исломий руҳдаги ажойиб урф-одат ва маданиятига эга давлат хисобланади. Бу заминдан чиккан мутафаккир олимлар ҳозирги кунгача дунёни лол қолдириб келмоқда.

Ва бу юртдан қурқмас сарқарда ва аскарлар чикканлиги тарих саҳифаларида учмас қаламлар билан езиб битилган! Бу айнан ҳақиқат бўлиб буни инкор қилишлик учун бирор бир асос ёки ҳужжатни ҳеч қим келтира олмайди.

Тарихда ўзбек миллати юксакликни ҳам тубанликни ҳам қурган. Миллатнинг юксаклиги унинг бирлиги ва Исломий ақидаси билан булган булса унинг тубанлиги эса шу бирдамликни йукотиши билан руёбга чиккан.

Кейин эса бу миллатнинг юртига умуман унинг Исломий ақиди ва урф-одатларига қарама-қарши булган дахрийлар (коммунист) бостириб келди. Ва яна шу миллатнинг ичидан уйғок онгли инсонлар чикиб уларга қарши ҳаракат қила бошлади, лекин шунда ҳам миллатда бирлик, бирдамлик йук эди.

Бу босқинчи коммунистлар шундоқ гузал динга, урф-одатга эга булган миллатнинг қалбига илон қаби қириб уни захарлай бошлади. Лекин булар дахрий эканлигини берқитмас эди.

Ва мусулмон миллатининг қуп қисми унга ишонмас эди. Бунинг далили 70 йил бошқарувдан кейин мустақил булган Ўзбекистон давлатининг аввалги йилларида шу миллатнинг динга булган муҳаббати очик намоён була бошлади.

Миллатнинг ичидан уйғок ва онгли инсонлар чикиб бу дахрийларнинг бошқаруvidан чикиб мустақил давлат бўлишликни ва юксалиш сари қадам ташлашликни қутариб қикишди.

Халқнинг қуп қисми шу эркинликни қуллаб-қувватлади. Уша даврдаги коммунистлар томонидан қуйилган Исломи Каримов бу эркинликка қарши эди.

Лекин унинг бу қаршилиги узига ухшаган дахрийлар захаридан қаттиқ захарланган инсонлар томонидан олқишланарди.

Қул эса узининг хожасини йукотиш-ни хис қилиб бошқача сайрашни бошлади. Бунинг далили Каримов 1989 йилдан то 1991 йилгача узининг қикишларида намоён қилди. Каримов айёрлик билан вазиятдан унумли фойдаланиб қолди. Бу ҳолатни маккорлик эканлигини тушунадиганлар ҳам ва алданганлар ҳам қуп булди. Каримов узининг маккорлигини давом эттириб қуп қисми мусулмонлардан иборат булган миллатни ва Исломи уламоларини узининг ёлгон ваъдалари билан ишончга қириб уларнинг қулловига эга булди. Чунки бу қучлар уша йилларда Каримов учун жуда қатта хавф эди. Бу хавфни айёрлик билан бартараф қилиб демократларга қарши узининг қатгонларини бошлади. Минг афсуски, Исломи уламолари бу ҳолатга бефарқ бўлиб туришди. Маккор айнан шу бетарафликни хоҳлаган эди. Узига қарши булган уйғок ва онгли етакчилардан қутилган маккор секин-аста мусулмонлар ва уларнинг уламоларига ҳужум қила бошлади. Чунки бу қучлар ҳам унинг тахтига жуда қатта хавф солувчи қуч эди. Каримов қурашда ҳам узини маккор эканлигини қурсатиб турар эди. Уламолар, олимлар мусулмонларни етакқис эди. Уларни угирлади, қамади, улдирди, сургун қилди.

(Давоми кейинги саҳифада)

«МУСТАҚИЛЛИК»НИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА ТАМҒА...

(Давоми кейинги саҳифада)

Кейин эса яъни 1999 йили узини хакикий башарасини курсатиб курашни бошлади. Хозирги кунгача бу ҳолат давом этиб хаттоки бу бадбахт сармоя эгаларига ҳам катагонини бошлади. 22 йил ичида унинг олиб бораётган сиёсатидан жабр курмаган табакалар колмади. Унинг сиёсати мамлакатни жарликка караб олиб кетаётганини онгли инсонлар жуда яхши тушуниб етмоқда.

1) иктисодий сиёсат тамоман издан чиккан, мамлакатда иктисодий ривожланишни юксалтирадиган бирор бир муҳим булган завод ёки фабрика барпо килинмади. Бори ҳам йук килинди. Инвестиция учун шарт-шароитларни барбод килинди. У нафақат узининг сармояси билан кирган инвесторларни ҳам талай бошлади.

2) ижтимоий ҳолат халқнинг яшаш тарзи дахрийларнинг давридан ҳам оғир аҳволга тушиб колди ва кун сайин кашшоқлик, ночорлик ҳолатига тушиб боряпти. Одамларни кул каби пахта далаларида ишлатиб уларнинг уз хаётларини яхшилаш учун на ҳаққини беряпти ва на уларга имконият беряпти.

3) Таълим соҳаси мактабдан бошлаб ок бузулган. Озгини купиртириб бу ёлгончи урта таълим давлат томонидан таъминланади деб мактаниб сайрайди. Аслида эса синф фонди учун пул, укув куроллари учун пул, синф ремонт учун пул, мактаб фонди учун пул ва х.к. Билим эса абгор ахволда. Коллеж, лицейларга кириш давриданок пул. Билимлими, билимсизми фарқи йук (Боровский ва шунга ухшаган талаб куп булган коллежлар) 500 дан то 2000 долларгача мархамат тула кир. Олий укув юртлари эса 6000 дан 30000 долларгача мархамат тула кир. Билим шарт эмас пул булса булди. Мана Ўзбекистон давлатининг келажак кадрлари кай ахволда. Уйлаб куринг-а????

4) Прокуратура, МХХ, МВД бу ташкилотлар конунни муҳофаза киладиган ташкилотлар булмади колди. Аксинча, конунни бузадиган, порахур, уз халқига нисбатан зулм утказадиган ташкилотларга айланган.

Юкорида келтирилган хақиқатлардан хулоса килиб айтадиган булсак шу мусулмон миллатига калбида кучли адовати булган яҳудий ёки сианистлар кулига айланган инсонгина шундай юксак тарихга эга булган миллатни узининг ботил сиёсати билан жуда куп йиллар мобайнида абгор ахволдан чика олмайдиган келажакни колдиради. Каримов айнан, сианистлар кули булиб унинг нияти ва орзуи узбек миллатини бойликларини талон-тарож килиб анча йиллар мобайнида узига кела олмайдиган колок бир мамлакатга айлантиришдир. Белгиларга келсак у узининг аввалги коммунист хужайинларига холис кул эканлигини курсатгани каби сианист яҳудий хужайинларига ҳам холис кул эканлигини уларнинг белгиси билан намён кияпти.

ЎХХ хабар маркази

ОЛИЙ МАЖЛИС: “В. ОХУНОВНИНГ ХОРИЖГА ЧИҚИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ ЭМАС”



Ўзбекистонлик дунё таниган 65 ёшли рассом Вячеслав Охуновга Ўзбекистондан чиқиш визаси берилмай келаётган, ва бунга бирор конуний асос келтирилмаётган эди. Ниҳоят куни кеча В. Охунов Фейсбук ижтимоий тармоғида ўз талабига олинган расмий жавобни чоп этди.

Ушбу ҳужжат устига ИИБ Тошкент шаҳар ИИБ Олмазор тумани ИИБ хорижга чиқиш-келиш бўлими тамғаси кўйилган. Ҳужжатда айтилишича, В. Охуновнинг хорижга чиқиш талаби Олий Мажлисга юборилган ва Олий Мажлис рассомнинг чет элга чиқишини “мақсадга мувофиқ эмас” (нецелесообразный) деган ҳукм чикарган.

Хорижга чиқиш визаси (ОВИР) собиқ СССР замонидаги бюрократик тажриба бўлиб, хозир дунёда фақатгина

Ўзбекистон ва Шимолий Кореяда сақланиб қолган. Бундан бир неча ой олдин Куба ОВИР тизимидан воз кечиб ўз фуқароларига саёҳат эркинлигини берган эди.

Эслатиб ўтамыз, рассом бир муддат аввал Гулнора Каримова нашр этган “БЕЛЛА ТЕРРА” журналинини ҳажв этган.



Бир неча йил олдин эса рассом “ЭРК” партияси лидери Муҳаммад Солиҳни 60 ёши билан табриклаб, “Курулсиз кишининг озодлиги” (<http://www.youtube.com/watch?v=00fB4JRqpg>) фильмида иштирок этган.

Ушбу филмда иштирок этган яна бир Ўзбекистонлик фаол, социолог Баҳодир Мусаевга ҳам чиқиш визаси берилмай келаётир.

ЎХХ хабар маркази

ТОШКЕНТДА КЎРГАЗМАГА ЯНА БИР МАСЖИД ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ



Тошкентдаги “Минор” қабристонини яқинида янги масжид қурилади бошланди. Ушбу қабристон яқинидаги бўш майдон анчадан буён текисланиб, иморат солишга тайёргарлик кетаётган эди.



Бугун ижтимоий тармоқлардан бири, Фейсбукда у майдон ўрнида янги масжид қурилиши хақида хабар тарқалди. Ушбу хабар кишини ўйлантиради, хўш, масжид қурилса нима бўлибди? Яхшику, одамлар намоз ўқийди, ибодатлар қилинади.

Лекин Ўзбекистонда масжидлар номигагина масжидку, у ерда азон эшитилмаса, шунчаки савлат тўкиб туради, холос.



Ундай масжиднинг нима кераги бор? Лекин, шундай бўлсада масжид қурилиши бошланди. Қурувчиларнинг сўзларига кўра, масжид келаси йил Ҳайит арафасида қуриб битказилади.



Энди кутамиз, балки Президент келар бу масжидни очиб бериш учун?!

ЎХХ хабар маркази



Ҳозир кўриб чикканимиздай, ҳар қандай инқилобнинг амалга ошиши учун шарт ва шароитлар зарур экан.

Шулардан асосийлари:

1. Жамият аъзолари ичида ижтимоий тенгсизликлар ва қарама-қаршиликларнинг юзага келиши,

2. Инқилоб учун ҳаракатлантирувчи сиёсий куч ва уни халққа танилган лидернинг бошқариши,

3. Режимнинг тасодифий ва систематик камчиликларидан келиб чиккан, инқилобий шароитдан фойдалана билиш,

Кучлар тенг, чигал муаммолар кўп ва ўзаро ишонч йўқ қавмга устун бўлиш мақсадига ҳеч ким осон эриша олмайди. Оқибат, катта йўқотишларга олиб келади. Мулозимлар бундай беҳуда йўқотишларни хоҳламасалар керак. Тахт учун курашдаги талофатли йўл, президент атрофидаги мулозимларига мутлақо керак эмас. Негаки, президентлик тахтига мингандан кейин ҳам амални ушлаб туришга қодир бўлиш керак. Бу эса бугунги мураккаб халқаро муносабатлар аралашуви ҳолатида ўта мушкул вазифадир.

ИНҚИЛОБ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Инқилобий вазият адолатсиз жамиятда пайдо бўлади. Жамият аъзолари орасида адолатли муносабатлар қанча қамайса иқтисодий, ижтимоий ривожланиш ҳам шунча сустаяди. Натижада халқ қашшоқлашади ва инқилобий вазият юзага кела бошлайди.

Жамиятда ижтимоий қарама қаршиликлар пайдо бўлса, албатта у ерда инқилобни ҳаракатлантирувчи куч ҳам пайдо бўлади. 1917 йилги Россиядаги Октябрь тўнтарилишлари халқнинг қашшоқлиги, ҳукмрон доираларнинг халқ дардига бепарволиги, жамиятни тоборо инқилобга яқинлаштирганлиги туфайли юзага келди. Россия жамиятидаги ижтимоий зиддият, ўзининг энг кучли фазосига кириб борарди. Қутилган инқилобнинг амалга ошиши учун фақат қулай вазият ва маблағ керак эди ҳолос.

Моддий етишмовчиликни ғарб таъминлади. Қулай вазиятга эса биринчи жаҳон уруши сабабчи бўлган. Россиянинг мунтазам армияси фронтга сафарбар қилинганлиги сабабли мамлакат ичкарасида армия кўшинлари, деярли қолмаган эди. Ҳатто Қишки сарой (Россия муваққат ҳукуматидаги идораси), фавқулодда вазиятда, юнкерлар (ҳарбий ўқув юртларининг толиблари) томонидан ҳимоя қилиниши керак эди. Ҳазабли халқ, 1917 йили 24 Октябрда (7-ноябрда) болшовоилар бошчилигида қурол билан кўчага чиқдилар ва Қишки саройга ҳужум уюштирдилар. Қишки саройда қоровуллик вазифасини ўтаётган юнкерлар, яъни ёш болалар кўлидаги қуролни ташлаб қочиш кетдилар. Муваққат ҳукумат раиси Керенский Ф.И. ва унинг мулозимлари, Зимнийдан қочишга мажбур бўлдилар.

Қишки саройни коммунистлар осонгина эгалладилар. Халқни бостириш учун фронтдан чакиртирилган махсус армия ҳали йўлда эди. Инқилоб арафасида ҳам, ундан кейин ҳам мунтазам армия кўшинлари, Петерградга ёрдамга етиб кела олмадилар.

Россия инқилобий тўнтаришдан кейин дунёни титратган 9 кун ичида, раҳбарсиз ва бошқарувсиз қолди. Юқори амал курсилари бўш ётди. Шундан кейин, Петербургнинг бошқа бурчагида, Смольный саройида Ленин бошчилигида Революция штаби фаолият бошлади. Бу эса, коммунистларнинг биринчи давлат идораси бўлиб, 74 йил умр кўрган Советлар давлатининг ибтидоси эди.

4. Инқилобни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қила биладиган куч ва ёрдам.

Октябрь тўнтаришларига ҳам, мана 96 йил тўлибди. Бу динсиз замон, бизнинг тарихимиздан ҳам ўрин олди. Бугун мамлакатимизнинг янги тарихи замонда, коммунистлар “ижод” қилган ижтимоий тизим, ўзининг янада жирканчлироқ шаклига кирди. Ҳозир мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, кучли қарама-қаршиликлар мавжуд. Лекин, биргина бу зиддиятларнинг ўзи билан инқилоб содир бўлмайди.

Каримов режимининг ҳимоя хийлалари методик равишда, халқимиз онгига жуда таъсирли ва чуқур сингдирилган. Шунинг учун ҳам халқ, ҳукумат арбобларининг очикчасига қилаётган жиноятларига аниқлик киритишдан кўрқади.

Каримов режимининг кучи, унинг қонуний ва ноқонуний буйруқларини, давлат инфраструктураси мулозимлари томонидан сўзсиз бажаришларидадир. Каримовнинг бу феномени мазкур режимни ханузгача ушлаб турибди.

Бошқаришда, қонунга асосланмаган бу режимнинг ёши, мана 24 га қараб кетди. Режим намоёндалари шу даврлар ичида, юртбошининг ҳар қандай вазифасини, “бехато” амалга оширдилар. Энди эса режимнинг бош ижодкори қариди. Ҳаста. Дадасининг ўрнини эгаллашга лойиқ ўғли йўқ. Ўзига ўринбосар тайёрламаган. Қизлари, режимни бошқаришни улдасидан чиқа олмайдилар. Зўрға нафас олаётган режимни, қутқариб қолиш уёқда турсин, аксинча уни жарга қулатишга мойилдирлар. Қизларига ота ҳам, атроф мулозимлари ҳам ишонмайдилар. Каримовга ва унинг атрофига тўғри келадиган тахт вориси йўқ. Халқимизнинг, бугунги тафаккури билан фикр юритганимизда, — «сарой амалдорларидан бирортаси тахтга ўтирадида, шунгаям шунча ташвишми», дейилган бўлар эди.

Режим амалдорларининг ўзаро келишувлари ва ўз атрофларига халқни йиғишлари учун ғоя ва ишонч етишмайди. Халқни, биз яхшимиз деб яна алдайвериши мумкин.

Лекин, сарой амалдорлари бир бировларига ишонмайдилар. Бу вазият, режим раҳбарлари ичидан бирортасининг давлат раҳбари бўлиш имкониятини йўқлигини билдиради.

Масалан, Миср президенти, М.Мурсийнинг тақдири. Шунинг учун ҳам мен, мулозимларнинг президентликка номзод кўйишларига шошмаликларини тавсия қилган бўлар эдим. Бугунги, глобализация замонда, бир қатор диктаторлик режими давлатлари, дунёнинг сиёсий ва иқтисодий ривожига таҳлика солиши мумкин. Ҳақ Субҳонаху ва Таоло ер шарини, инсоният учун умумий уй қилиб яратди. Глобализация жараёни, инсониятнинг бу маконда ўзаро тинч тотув яшаш учун қилаётган буюк кадамларидандир.

Давлатлар, миллатлар ва динлар интеграцияси, ягона инсоният уйини янада кўркам қилмоғи керак. Диктаторларга ўз миллатининг қонини сўришдан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Диктаторлар, инсоният цивилизациясининг ривожланаётган янги этапида ортикчалик қилаяптилар. Шунинг учун ҳам “Араб баҳори” шамоллари, кўпчилик диктаторларни умр боқийга “учириб” кетди. Вақтики, Марказий Осиё минтақасида ҳам, диктаторларнинг инқилоб шамоллари билан “учиб” кетиш жараёни, ўзига хос вариантда содир бўлажак. Бу муқаррар.

Режим чарчади. У, ўз бебошлиги томон ўзгаряпти. Умри эса, қисқариб боряпти. Режим, қайта тикланиш ҳусусиятига эга эмас. Шундай экан, юқори раҳбарлар давлатни конституциявий бошқариш тарафдори бўлмоқлари керак. Бугун, бу муниқлаб қолган режимда, амалдорлар ақл билан иш кўрсалар ҳеч кимга зарар етмайди. Жамият эса, инқилобий вазиятга юз тутади.

Бўлажак инқилоб шароитларидан бири, Каримов амалдорларнинг керак жойда ва керак пайтда конституцияга амал қилишларидадир. Бу кийин масала, лекин ечса бўлади. Бундай шароитда, муҳолифат ва халқ, ўз фикрларини ўртага қўя олади.

Ўзбекистон халқ ҳаракатининг асосий вазифалари дан бири, адолатпарвар ва демократик фикрли одамларни ва ташкилотларни ўз атрофига жипслаштириш. Режимни тинч йўл билан адолатли жамиятга алмаштириш. Ноқонуний президент ўз ваколатини халққа қайтариб бергач, ўтиш ҳукуматини таъсис қилиш.

Бунинг учун, халқни маълум давр ичида ОАВ орқали, инқилобий ўзгаришларга тайёрлаш лозим. Адолат ва демократия принциплари билан аввало президентни ва кейин эса Олий Мажлис депутатларини сайлаш мақсадга мувофиқдир.

Нуратдин

ИСМАТ ХУШЕВ: МУҲАММАД СОЛИҲГА ОТИЛГАН ЎҚ (4)

*Бунинг ортида ким турган бўлиши
мумкин?*

*Мен билган ва билмаган тафсилотлар
«Истанбулга сайёҳат» туркумидан*

Тушлик...

...Эдирнада Муҳаммад Солиҳни иззат икром билан қаршилаганлар унинг шарафига худди ўзимизникидек кўй сўйиб, эҳтиром кўрсатдилар. Тушликни Жоме масжидларининг биридаги алоҳида меҳмонхонада қилдик.



Меҳмон шарафига сўйилган кўйнинг калласини пишириб дастурхоннинг ўртасига келтириб қўйишди. Аввал шўрва, сўнг ковордок келтиришди.

Турклар ҳам асосан ўзбеклардай айни таомларни истеъмол қилишаркан. Тушлик жуда гўзал қа кўнгилли ўтди



Тиббиёт маркази...

Эдирна сафарида биз тушдан кейин Усмонли империясининг «Пойтахт Тиббиёт Маркази» – бугунги ном билан айтганда – «Пойтахт Клиникаси»ни зиёрат қилдик. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Муҳаммад Солиҳнинг оиласи Ойдин хоним Туркияда ҳақим сифатида кенг оммага яхши таниш экан.

«Пойтахт Клиника»сини айланарканмиз, Ойдин Солиҳ бу ердаги таассуротларга шундай баҳо берди: «Тасаввур қилинг, бу «Марказ»да бор-йўғи 17 та ҳақим ишлаган, бу пойтахтдаги инсонларнинг соғлиги яхши бўлганлигига бир далилдир. Яъни ўтмишда турк миллати тоза еб, тоза ичган».

Ойдин Солиҳни бу ердаги Соғлиқ Вазирлиги масъуллари танишар экан, унга дарҳол Усмонли Тиб Марказининг шараф дафтари имзолатдилар. Яъни, атоқли меҳмонлар дафтарига ўз фикри ва дастхатини қолдиришни илтимос қилишди...

Адолат қасри...

Усмонлилар ҳукмронлиги давридаги Адолат қасрини ҳам томоша қилдик. Умуман Эдирнага келган сайёҳлар Жоме масжидларидан кейин Тиббиёт Марказига, сўнг албатта Адолат қасрига ҳам кадам ранжида қилишаркан.

Бу қалъанинг пастки қисмида ҳ и б с х о н а , ўртасида миршаб ва қозилар хонаси, тепа қисмида қатл хоналар мавжуд экан. Давлат ва халқ газабига дучор бўлган ашаддий қалла-кесар ва ўта хавфли жиноятчилар шу ерда қатл этилар экан.

Уларнинг кесилган бошлари қалъа ташқарисидagi махсус қурилган супачага намойиш қилиб қўйиб қўйиларкан.

Аччиқ сабоқ учун...

Муҳожир Ҳақима...

Хуллас, Адирнадаги сафаримизда Муҳаммад Солиҳнинг рафикаси Ойдин Солиҳнинг ҳам актив фаолиятини кашф қилдик, унинг ҳақим (доктор) сифатида Туркияда кенг танилганига гувоҳ бўлдик.

Гарчанд биз унинг аллақачон тилга тушган, Туркия туркчасида ёзилиб, сўнг ўзбекчага таржима қилинган «Ҳақиқий тиббиёт» китоби ҳақида ББС ва Озодлик орқали эшитган эдик.



Ҳатто бу китобни Қирғизистонда ноқонуний чоп қилиб, даромад топаётган гуруҳлар ҳам бор экан.

Аммо бу даволаш услубининг хусусан Туркияда бу қадар машҳур бўлиб кетганини тасаввур этмагандик...

Ич Туркиядан, яъни Онадўлу (Антария) дан мингларча хотин қизлар Ойдин Солиҳ қўлида шифо топиб, унинг ҳаққига дуо қилишар экан.

Янганинг талабалари – ёш докторлар – бундан тўрт йил аввал Ойдин Солиҳ даволаш методикасига асосланб, инқилобий ютуқларни кўлга киритишган ва алал оқибат «Табиий соғлиқ институти»ни таъсис этишибди.

Бу институт бугун нафақат Туркияда, балки муқобил медицина соҳасида

таджикот олиб бораётган дунё тиббиёт марказлари ичида энг нуфузли даргоҳга айланган. Ойдин Солиҳ Туркия вилоятларида ўтказиб турадиган мунтазам конференциялари салонларига одатда одам сифмай қоларкан.

Маълум бўлишича, Туркия сиёсий элитасининг кўпчилиги Ойдин Солиҳ клиникасида ўз соғлиқларини назорат қилдирадиган бўлишган.



Муҳаммад Солиҳ ҳазил-мутойиба аралаш, қулиб шундай дейди: «Авваллари баъзи маросимларда ёки бирор жойга меҳмонга борганимизда Ойдинни жоматга – «бу хоним Муҳаммад Солиҳнинг оиласи» деб таништиришган бўлсалар, энди каминани – «Бу киши Ойдин Солиҳнинг хўжайинлари» деб таништирадиган бўлишган»...

Ойдин Солиҳнинг бугун Туркияда машҳурлиги шу қадар...

Шу кунларда янганинг шоғирдлари – ёш докторлар Туркияда Ойдин Солиҳ методикасини ўргатувчи бир университет очиш ҳаракатини бошлаганлар.

Биз қуйида «Дунё ўзбеклари» ўқувчилари учун махсус «Табиий Соғлиқ Институти» ташкил этган халқаро симпозиум ҳақидаги бир материални ҳавола этмоқчимиз:

Истанбулда 2 – Халқаро Ҳожамот симпозиуми

«Мени бир савол доим ўйлантириб келарди: Қандай қилиб Усмонлилар биз арабларни 600 йил давомида бошқара олган экан? Ушбу симпозиумда қатнашиб, ниҳоят жавоб топдим: Араб дунёси уйқуда, Сиз турклар эса – яратувчан меҳнат ва изланишда экансиз».

Сиймо Бахит
(Ядровий тиббиёт мутахассиси,
Қирол Абдулазиз Университети,
Саудия Арабистони)

Истанбулдаги Табиий соғлиқ институти ННН тарафидан уюштирилган 2-Халқаро Ҳожамот симпозиуми бўлиб ўтди.

Ҳожамот турли дин, маданият ва халқлар орасида 3500 йилдан буён қаллиқларни олдини олиш ва даволашда қўлланиб келинади.

Симпозиумда дунёнинг 13 ўлкасидан (АҚШ, Англия, Германия, Финляндия, Швейцария, Австралия, Бразилия, Нигерия, Саудия Арабистони, Миср, Покистон ва б.) олим ва мутахассислар қатнашди.

(Давоми кейинги саҳифада)

ИСМАТ ХУШЕВ: МУҲАММАД СОЛИҲГА ОТИЛГАН ЎҚ (4)

(Давоми. Боши олдинги саҳифада)

Анжуман очилиши маросимида иштирокчиларни кутлаб, Истанбул Табиий соғлиқ институти (NHI Natural Health Institute) фахрий президенти, «Ҳақиқий тиббиёт» китоби (Эслатиб ўтамиз, «Ҳақиқий тиббиёт» китобидан парчаларни «Эркин Юрт» газетамизда чоп этиб борилмоқда — таҳр.) билан Туркияда танилган биолог олима Ойдин Солиҳ нутқ сўзлади.

Сўнгра NHI раиси Фарук Гуинди (Туркия), Британия Ҳожамот жамияти раиси (British Cupping Society) Калимулла Ражпут меҳмонларни кутладилар.

Шу билан бирга очилиш куни Анъанавий тиббиётнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ мавзуларда илмий чиқишлар қилинди: Др. Доминик Калер Швайцер (Швейцария) «Анъанавий тиббиётга Швейцарияча ёндошув», Проф. Др. Ойтан Олтинтош (Турция) «Усонли ҳақимларнинг кўзкараши», Ҳаким Илёс Кошоний (АҚШ) «Анъанавий тиббиёт: ўзликка қайтиш», Др. Деглев Куинтерн (Туркия) «Исломий билим ва технологиялар музейида Тиббиёт тарихи», Др. Райнер Станге (Германия) «Германия соғлиқни сақлаш тизимида Анъанавий тиббиёт», Проф. Др. Осмо Ханнинен (Финляндия) «Финляндияда анъанавий тиббиётнинг қўлланилиши»,



Питер Сандерс (Англия) «Йўқотилган шифо йўлидаги кашфлар» номли маърузалар қилдилар.

Айниқса, узоқ йиллик изланишлардан сўнг шифо топган ҳаётини ҳикоя қилиб берган Англиялик машҳур фотограф-рассом Питер Сандерснинг чиқиши айрича таассурот қолдирди:

«Мен йигирма беш йил мигрендан қийналдим. Шифо истаб, жуда кўп ўлкаларда бўлдим, турли даволаш усуллари синаб кўрдим, кўп табиблар билан учрашдим. Ўтган йили Истанбул Табиий Шифо Институтидан Сумайра Мерве билан учрашдим. Сумайра ўз устози Ойдин Солиҳга кўринишимни тавсия этди. Ойдин хонимнинг кўрсатмаларига кўра, фақат озикланишни кон гуруҳимга кўра тузатиш ва бир неча ҳажмат курсидан сўнг, қисқа вақт ичида, ниҳоят, чорак асрлик касалликдан халос бўлдим. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин» — деди Питер Сандерс.

Очилиш куни Питер Сандерснинг дунё маданияларида хижолат тарихига оид «Йўқотилган шифо изидан» номли

фотоқўрғазмаси ҳам намойиш этилди.

Кўйида Ойдин Солиҳнинг Симпозиум очилишида сўзлаган нутқини келтирамиз:



Ойдин Солиҳ: Ҳурматли меҳмонлар, Биз йиллардан бери Анъанавий тиббиётнинг тирилиши умидида яшадик.

Бугун шогирдларимизнинг ташкил этгани бу симпозиумда сизларга “Хуш келибсиз” дейишдан улкан мамнуният ҳис этмоқдаман.

Ислом фалсафасидан нафас олган “Анъанавий тиб ва ҳожамот терапияси” мавзусидаги бу симпозиумга барчангиз хуш келибсиз.

Маълумки, тиббиёт 18 асрда касалликларга бутун ва яхлит қараш анъанасини тарқ этиш йўлини танлади.

Ньютон тиббиёти баъзи даволаш усуллари қўлланишда давом этсада, қадимги тиббиётнинг мизож, ахлат (яъни метаболик қолдиқлар), физиология ва орган функциялари билан боғлиқ маълумотларини рад этди.

Технологиянинг ривожланиши билан бирга маълумотлар кўпайди ва бу билимларни тизимлаштириш мақсадида тиб ўзини алоҳида бўлимларга ажрата бошлади.

Организмни бўлимларга ажратиб ўрганиш билан, унга яхлит қараш принципини ҳам бутунлай йўқотди. Тиб орган ва тизим фаолиятларини, жисмоний ва руҳий муаммоларни бир-бирига боғламасдан, ҳар бирини алоҳида ўргана бошлади.

Бу нуктадан сўнг эса касалликларга ташхис қўйиш, сабабларини аниқлаш ёки хасталикни даволаш ҳам имконсиз ҳолга келди.

Бошқа тарафдан, технологиянинг ривожланиши билан бирга, ташхис қўйиш ва дори ишлаб чиқариш имконияти ақл бовар қилмас миқёсда ортди.

Инсоният бу “ривожланиш” ортидан касалликларни тубдан йўқолишини кутганди. Аммо тамоман акси содирбўлди: хасталиклар кўпайди, чуқурлашди ва уларнинг турлари ҳам кўпайди.

Фақат қариялардагина учрайдиган касалликлар ёшларда ва, ҳатто ёш болаларда ҳам учрай бошлади.

Ниҳоят, сўнгги йилларда Замонавий Тиббиёт янглиш бир асос устига иншо этилган, деган хулосага келинди.

Организмга ва хасталикка қайтадан яхлит ёндошув тенеденцияси кузатила бошлади. Бу изланишлар асосида қадимий тиб услублари ва диний билимларнинг аҳамияти ўртага чикди.

Аммо, бу билимлар билан бирга биология, психология, квантум физикаси, кибернетика каби фанлардан фойдаланиб, янги бир билим тизими қурилди ва янги усуллар ишлаб чиқилди. Бу янги тизимга Кибернетик Тиббиёт ёки Квантум Тиббиёт каби исмлар берилди. Бугун, Кибернетик Тиббиёт тез сўрғат-ларивожланиб бормоқда, кенгаймоқда ва Замонавий Тиббиётнинг барча фаолият соҳаларини ишғол этмоқда.

Ҳолбуки Замонавий Тиббиёт жисмоний соғлиқни орган ва тизим даражасида тузатишга уринаркан, бу соҳада ҳам улкан ва оғир ҳаголарга йўл қўйгандир. Энди Кибернетик тиббиёт универсал энергия йўллари ва бу йўллар асосида тузилган жиҳозлар воситасида ДНК, протеин ва ҳужайраларда электромагнетик тўлқин даражасида изланишлар олиб бориб, инсон миясининг табиий тўлқинланишини ўзгартириш билан, бир шахснинг ўзга бир шахс хусусиятларини ўзлаштиришини мақсад қилмоқда!

Бу усул аввалгисидан-да хавфлироқ бўлиб, бутун инсониятни оммавий руҳий хаосга етакловчи йўлдир.

Кибернетик тиббиёт дин фалсафасидан беҳабар бўлиб, диний даволаш усуллари қўллай бошлади. Фикримизча, дин ёки инонч фалсафасини теран билмасдан қўлланилган бу усуллар инсон учун хайрли бўлолмайди, инсонни фойдага эмас, улкан маънавий ва руҳий фожиаларга олиб бориши муҳаққакдир.

Дин ва барча инонч-эътиқодларнинг ўз фалсафасига таянган бирор даволаш усули бор ва бу усул, аслида, инонч фалсафасини яна-да теран англаш учундир. Демак, динга ёки бирор инончга эга бўлмаганлар, албатта, ҳар қандай даволаш тизимини қўлланиши мумкин. Аммо динга мансуб кишилар даволаш услубларида жуда хассос бўлиб, ТАН-ЛАШ га тўғри келади.

Гап шундаки, Ньютон тиббиёти фақат жисмоний соғлиқ билан кизиқарди. Кибернетик тиб эса энергия- рух даражасидан бошлаб, жисмоний соғлиққа эришишни мақсад қилмоқда. Бу ёндошув ўз тамалидаёқ янглишдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом “Илм иккидир: бадан илми ва тавҳид, яъни дин илмидир” дея марҳамат қилганлар. Аввал баданга оид қонунларни тушунмасдан, тавҳид қонунларини англаш мумкин эмас. Бу — ҳарфларни ўрганмасдан туриб, ўқишни истамоқ кабилар.

Биз Ислом фалсафасига асосланиб фаолият юритамиз. Касалликларга яхлит қарашга, мизож, ахлат, физиология ва орган функциялари билан боғлиқ билимларни жонланттиришга ҳаракат қиламиз.

Фаолиятимизда ҳеч бир жиҳоз қўлланмасдан, юз, оғиз, қўл ва оёқлардан метаболик йиғимларнинг жойлашуви, хусусиятлари ва миқдорини аниқлаш имконига эгамиз.

Органларнинг тузилиши ва тўқималарнинг бузилиш даражасини тадқиқ этамиз. Бу тарзда хастанинг умумий соғлиқ ҳолатини аниқлай оламиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

ИСМАТ ХУШЕВ: МУҲАММАД СОЛИҲГА ОТИЛГАН ЎҚ (4)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Даволашда мизож ва ДНК ўзгаришларига сабаб бўлувчи, гени ўзгартирилган егулик ва ичимликларни; аллергияларга ва иммунитет тансиқлигига сабаб бўлувчи тиббий дориларни; гормон мувозанатини бузувчи ва рухий муаммоларни келтириб чиқарувчи синтетик атирлар, тозаловчи моддалар ва тана парвариши махсулотларини ишлатмаслик лозим, деган хулосага келдик.

Тажрибаларимизга кўра, даволашнинг энг уйғун процедураси куйидагичадир:

1. Ҳазм қилиш тизимини яхшилаш ва метаболик қолдиқларни озайтириш учун, озикланишни қон гуруҳига ва ислоний озикланиш тамоилларига кўра тузатиш;

2. Мавжуд метаболик қолдиқларни маълум муддатли очлик, ҳожамот ва зулук қўйиш воситасида чиқарилишини таъминлаш;

3. Озиқ-овқатдаги қўшимча моддалар ва токсин (аспартам, ТиО₂, диоксин, фталатлар каби) йиғимларининг табиий гиёҳ қоришимлари қўлланиш билан чиқаришни таъминлаш.

Бу услуб воситасида жуда кўп касалликларни даволаш мумкин.

Касаллик ва соғлиққа умумий кўзарашимизни қисқача баён этгач, ушбу симпозиумнинг бош мавзуси бўлмиш Ҳожамот терапиясига тааллуқли бир-икки сўз айтмоқчиман:

Ленфоцитлар, ҳазм бўлмаган озиқ парчаларини, бузилган ёки жонсиз хужайраларни, токсин ва тиббий дори қолдиқларини қон айланиши оқибатида тери остига ташийди.

Ташилган бу моддалар акупунктур нуқталар атрофида йиғилади, чунки акупунктур нуқталар атрофидан бир энергия майдони юзага келади.

Бу майдонлар қолдиқларнинг бир нуқтада тўпланишига сабаб бўлади.

Ҳожамот билан олинган қон мазкур қолдиқлардир.

Бу бенуксон, мукамал усул асносида кесиклар ўрнига микроб тушиши ҳам имконсиздир. Чунки энг олдин куруқ банка билан тўқималардаги қон кучли шаклда сўрилади.

Кесиклар тортилгач, қон кучли босим билан ташқарига сизиб чиқади, ва бу ҳолатда организмга микроб киролмайди.

Ҳожамотдан кейин антисептик қўлланиш шарт эмас. Чунки янги кесиклар учун қондан ҳам кўпроқ тозаловчи, ярани ёпувчи, инфекциядан сакловчи ва тузатувчи бирор дори йўқдир.

Фақат кесиклар устида пайдо бўлган қабикни кўчириш инфекцияга йўл очиши мумкин.

Ҳожамотдан сўнг антисептик қўлланишни истаганлар табиий сирка, қалампирмунчоқ дамламаси, заъфарон ёки табиий туз эритмаси қўлланишлари мумкин.

Баъзан ҳожамот ўринларида узун вақт кичишлар бўлиши, из қолиши, терининг ранги қуюқлашиши мумкин.

Бу ҳожамотнинг ён таъсири эмас. Бу симптомлар садафга яқин эканини кўрсатади.

Агар фақат кичиш бор бўлса, бунинг сабаби токсинларнинг кўплигидир.

Ҳожамот билан параллел тарзда озикланишни ҳам тузатиш керак. Акс ҳолда ҳожамот билан олинган метаболик қолдиқлар айна нуқталарда яна-да тезроқ тўпланади.

Оқибатда, касаллик шикоятлари тақрорланаверади.

Қадри мехмонлар,

Ҳожамот терапияси барча ўлкаларда халқ соғлиғига ва соғлиқ тизимига муҳим ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Билим ва маълумот алмашиш учун энг қулай имконни берувчи бу симпозиум барчангиз учун самарали ўтишини тилайман. Раҳмат

(<http://uzxalqharakati.com/archives/13678>)

Истанбулга қайтиш

Эдирнадан қайтар эканмиз улуғ шоиримиз Абдулла Ориповнинг ”Ҳаким ва Ажал” номли достонидаги дилбар сатрлар хаёлимизда чарх уриб айланар эди:

*Жуда қадим замонларда,
минг йилча бурун,
Бухоронинг шундоққина
Афшонасида,
Яшар экан гоёта
закий битта ўспирин,
Тенгдошларин назарида
ҳали расида.*

*Чорва билан машғул эди ота онаси,
Ёшлигидан камтаргина
ком олган эди.*

*Лекин шундоқ оиланинг
ўша боласи,
Ёш бошидан Ҳаким деган
ном олган эди...*

Мен янганинг ҳақимлиги ҳақида олдин ҳам эшитган, лекин, рости, бунга ишонмаган эдим.

Эдирнадаги ”Тиббиёт Маркази” ходимлари, Соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиларининг янгага кўрсатган иззат икромлари ва эҳтиромларидан сездимки, бу гапларда жон бор.

Демак, одамлар бежиз гапирмас экан. Истанбулга келган кундан бўён янга ҳақида кўп эшитдим. У кишининг ўз иституту борлигини ҳам айтишди.

Демак, Истанбулда мен нафақат Муҳаммад Солиҳ, балки Ойдин Солиҳ фаолияти билан ҳам шуғулланишим керак деган фикрга келдим...

Исмаат Хушев

(давоми бор)

dunyouzbeklari.com



ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛЛАРГА КИРИШ УЧУН ЯНГИ РУХСАТНОМА ЧИҚАРИЛДИ

Бундан буён Ўзбекистон темир йўл вокзалларига кириш учун махсус рухсатнома олиш керак бўлади. “Ўзбекистон тумир йўллари” ДАТК, Давлат божхона кўмитаси, Молия Вазирлиги, Марказий банк бошқаруви томонидан “Темир йўл транспортида йўловчиларнинг қўл юки, валюта ва валюта қимматликларининг божхона назорати ва расмийлаштириши тартиби”га ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистонда Аэро, Темир йўл ва Авто вокзалларга кириш учун махсус текширувлар, рентгент кўрикларидан ўтиш керак бўлади.

Бундан олдин вокзал рухсатнома бюросидан махсус рухсатнома олиш керак. Одатда, бундай бюрлар назорат ҳудудига қиравериш яқинида жойлашган бўлади.

Рухсатномани олдиндан олиб қўйиш мақсадга мувофиқ (МХХ ходимлари қаерга ва нима учун кетаётганингизни ўрганиб чиқишга улгуриши учун).

Бундан ташқари, қабул қилинган қарорга мувофиқ, йўловчининг транспортда юриш ҳужжатларида кўрсатилган, оғирлиги 200 килограмдан ошқ юкни қўшимча ҳужжатларсиз ташишга рухсат берилади. Аввалда бунинг учун рухсатнома талаб қилинарди.

Лекин эндиликда ҳам, юк вагононида бўш жой бўлса ҳамда бошқа йўловчиларнинг юкларини ташишга зарар етказмаси, бундай юклар ташиш учун қабул қилинади. Меъёрдан ташқари жойлар учун ҳақ юк ташиш тарифи бўйича тўланади.

Режим кун сайин ўзининг махсус чора тадбирлари билан одамларни қийнашни кучайтирмакда.

Ўзбекистондаги махсус чиғирлардан ўтиб олсангиз бас, бутун дунё назорат ўтказиш пунктлари ҳам бир, Ўзбекистон ҳам бир...

ЎХХ хабар маркази



Мен унга “мана энди, агар виза карта олсам билет оламан, чунки hozir барча компанияларда билет долларда бўлиб қолган”, дедим. Банк ходими менга худдики мен халқ душмани дек “эээй амаки, авиа чиптани олиб келсангиз «виза» карта қилиб бераман”, деди.

“Мен ахир долларга билет олишим учун менга доллар керак”, десам у менга— “роса гаранг қилдингизда,

Энг муҳими бир кунда фақат 100 доллар ҳисобингиздан ечиб олишингиз мумкин. Яъни 18 кунда ҳаммасини оласиз”, дейди.

“18 кунда 1800 доллар бўлади-ку”, дедим. “Айтдим-ку 5 доллардан хизмат ҳақи учун олинади, яъни жами 95 доллар ушланиб қолади”, дейди ходим. “Мени билетимда 10 кунда қайтишим керак-ку”, десам, “бу қонунни мен чиқарганим йўк”, дейди.

БУ ДИКТАТОРДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛАЙЛИК?!

Ўзбекистонда валюта операцияларини ихчамлаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан Ўзбекистон фуқороларига банклар томонидан «VIZA» картасига 2000 АҚШ долларигача бўлган миқдорда бемалол бугунги кунда олиш мумкин, деб белгиланган.

Шу туфайли мен иккита ўғлим Россия давлатини Москва шахрига бораётганлиги учун мен уйимга яқин бўлгани учун Микро кредит банкига мурожаат қилдим. Ушбу банк ходимлари мижозга нисбатан илиқ муомаласи умуман йўқлигидан ташқари, тузукроқ тушунтиришни ҳам билишмайди, ҳаммаси “сен тушунтир, сен тушунтир” деб бир-бирига ошира бошлашди.

Уларни айтишча тушунтириб ўтиришга умуан вақтлари йўқ экан. Хуллас, мен эрталабдан кечгача зўрға аниқлаганим: Микрокредит банкда фақатгина «ВИЗА» картасида доллар соладиган картаси бор экан. Мен, “ха, менга худди шу доллар соладиган карта керак”, десам, банк ходими менга, “йўк бу картга фақат доллар солинади”, деди.

Яъни сўмни аккредитация қилиб солиш учун яна бир «ВИЗА» карта керак экан,” уни қаердан олай?” десам, уни фақат ЎЗСАНОАТ ҚУРИЛИШ банкдан олиш мумкинлигини айтишди, мен юқорида айтилган банкка эртаси куни бордим.

У ерда ҳам ходимларни вақти йўқ экан, чунки хонада улар гурунг қилиб ўтиришибди. Мен кирай десам, “амаки кутиб туринг”, дейди. Ярим соатларда ҳам уларни гурунги тугамагач, мен яна уларга мурожаат қилиб кирдим.

Мен кирганимда “чиқиб туриг, hozir келаман”, деб эшикни қулфлади. Мен сигарет чекадиган жойга чиқсам ўша йигит яна гурунг қилиб сигаретини чекаётган экан, мен уни чиқиши билан изидан чиқиб хонага кирдик. Навбатда ҳам мижозлар кўпайиб қолибди.

Муаммоимни тушунтирсам банк ходими мендан хорижга чиқиш билетини талаб қилди.

қонунда шундай белгиланган”, деди.

Мен унга “қайси қонунда, қани шу қонун?” десам, ушбу ходим менга жеркиниб қолди. Мен раҳбарига кириб айтсам, у ҳам ходимини ёнини олиб у тўғри тушунтирганини айтди.

Мен қарз ҳавола қилиб ҚОРА БОЗОРДА сўмни ДОЛЛАРга валютачилардан қиммат нархда алмаштириб, Давлат томонидан сунъий криминални қилишимга мени мажбурлашди. Яна мен кўрқиб — кўрқиб қўлга тушмай деб бир кун вақтимни кетказиб АҚШ долларига алмаштириб авиа кассадан билет олдим ва яна ЎЗСАНОАТ ҚУРИЛИШ Банкига билетни кўтариб бордим. Яна мен аввалгидан ҳам баттар қийналиб, илтимос қилиб банк ходимини олдига кирдим.

У менга: “Хўп яхши, паспортингизни беринг”, деди ва барча ҳужжатларни, ҳатто Овир четга чиқиш рухсатномасининг нусхасини ҳам олди. Менга у айтишча ушбу «ВИЗА» карталар 2 та бўларкан, биттаси долларовый, иккинчиси сўммовый дейишди. Қандайдир шартномаларга имзо чекишимни айтишди.



Мен “тўхтаг, сиз менга олдин тушунтиринг”, дедим. У менга тушунтирди: “Сиз бу «ВИЗА» карталарини бекор олаясиз, чунки 2000 АҚШ долларини ташлаганингиз билан уни ичидан 100 % пулингиз чикмайди.

Чунки картани ичида 100 доллар қолиб кетади. Ҳатто терминал аппаратида ҳам 1900 доллари кўринади дейди.

Ундан ташқари ҳар 100 доллардан 5 доллар хизмати учун олинади.

Ундан ташқари ҳар бир картага 140 000 минг сўм тўлаш керак экан.

Мени саволим: “менга кўпроқ пул керак чет элда, менга бу пул нима бўлади?”, дедим.

Банк ходими В.М шундай белгиланганини айтди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ва И.А.Каримов ўз Халқига қасддан қарор чиқариб БОЖХОНА ходимларига айттириб яқинда ҳам ўз фуқороларини 2000 АҚШ долларидан ташқари одамларга СУНЪИЙ, улар қазган қопқонларга Давлат қароқчилари томонидан.

Халқни пешона териси билан топган пулларини ноқонуний деб олиб қўйиши натижасида ЯРИМ миллион АҚШ долларини Тошкент аэропортида тортиб олиб жиноий ва маъмурий ишлар қўзғатиб, жарима олишмоқда.

Ахир бу тўғридан тўғри қароқчилик — ку!!!!

Москвада 10 000 доллар учун ҳатто декларация талаб қилинмайди. Ундан юқори сумманигина атиги декларацияга кўрсатилса ҳеч қимни иши йўк.

Агар декларацияга кўрсатмай олиб ўтсагина ўша пулни мусодара қилиниш белгиланган.....

Бошқа давлатларда ҳам, валюта олиб чиқиш чегараланган, лекин Ўзбекистондай қулоғига ўлчаб чет мамлакатда атига 2000 доллар билан яна «ВИЗА» карта билан фуқороларимиз қандай яшагини диктатор И.Каримов мазах қилиб, кулиб, одамларни ошиқча долларларини қонунга хилоф деб тортиб олмоқда.

Ўзини қизи-чи, 200-300 минг долларлаб бемалол аэропортда олиб чиқиб кетаяпти ва неча марта ҳам чет элларга бориб қўлга тушаяпти.

Унга бу қонунлар ишламайди. Халқимиз жууда ҳам қийналиб кетди.

У ерда тўсқинлик, бу ерда тўсқинлик одамлар нима қилишини ҳам билмай қолди.

Айтинглар биз энди қандай бу диктатордан қутулайлик?????!!!!

Шавкат Ражабов

Ўзбекистондан олинган хабарларга кўра кеча ва бугун мамлакатдаги минглаб кўл телефонларига ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Йўқолсин Каримов!». «Анджонни унутманг!». Муҳаммад Солих!» деб номланган хабарлар тарқатилган.

Тошкентлик ўз номини ошкор этишни истамаган кишининг айтишича, у тунги соат 12 ларда телефон сигналларидан уйғониб кетган.

ЎЗБЕКИСТОНГА ОГОҲЛАНТИРУВ СИГНАЛЛАРИ

«Кўл телефонимга келган хабарда инглиз тилида «DON'T FORGET ANDIJAN! «STOP KARIMOV!» каби сўзлар ёзилган эди. Бироз вақт ўтиб, ўзбек тилидаги СМС келди, унда «Йўқолсин Каримов!, «Анджонни унутманг!» каби жумлалар бор эди.

Маълум бўлишича бундай сўзлар бошқа танишларимга ҳам юборилган экан», дейди у. Маълум бўлишича бу каби телефон хабарлари уяли телефон орқали минглаб хонадонларга кириб борган ва қувонч билан қарши олинган.

Халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Хьюман Райтс Вотч ташкилоти Швецияда муҳолифатдаги «Эрк» демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солихнинг ушлаб турилганини қоралаб чиққан.

Муҳаммад Солихнинг қисқа муддат ҳибсга олиниши Оврўпо Иттифоқининг Ўзбекистонга нисбатан қатъий сиёсатининг йўқлигини кўрсатади. Хьюман Райтс Вотч Муҳаммад Солихга нисбатан Интерпол қидирувини бекор қилиниши кераклигини айтган.

ХЬЮМАН РАЙТС ВОТЧ ШВЕЦИЯ ҲУКУМАТИНИ ҚОРАЛАДИ

«Таниқли ўзбек диссидентининг сешанба куни Швецияда қўлга олиниши Оврўпо Иттифоқининг Ўзбекистонга нисбатан кучли сиёсатга эга эмаслигини намоён этади», дейилади Хьюман Райтс Вотч ташкилоти баёнотида.

Норвегиядан сиёсий бошпана олган муҳолифатдаги «Эрк» демократик партияси раҳбари Муҳаммад Солих Британия парламенти ва инсон ҳуқуқлари вакиллари билан мулоқот ўтказиш учун Лондонга йўл олган маҳали Стокгольмнинг Арланд аэропортида полиция томонидан ҳибсга олинган. Швеция расмийларига кўра, Интерпол Муҳаммад Солихни Ўзбекистон ҳукумати томонидан тақдим этилган қидирувдаги ўзбекистонликлар рўйхатига асосан ушлаган.

Улар, Хьюман Райтс Вотчнинг маълум қилишича, ўзбек муҳолифати раҳбарини Стокгольмдаги Норвегия элчихонасини хабардор этмасдан

Самарқанд шаҳрида яшовчи ўзини танитишни истамаган журналистнинг айтишича, бу хилдаги СМСлар бошқа вилоятларга ҳам етиб борган.

«Хукумат бу кўл телефонларига уза-тилаётган, халқни исёнга чорловчи жумлалардан катта хавотирга тушган. Хабарлар қаердан келаётганини аниқлаш бўйича ҳаракатлар бошланган.

Тахминларга кўра улар Европа мам-

лакатларидан, Франция. Англия. Чехия, Швеция ҳамда Швецариядан юборилаётган бўлиши мумкин, дейди журналист.

Каримов зулмидан эзилган ва ёруғ кунларни умидида яшаётган халқ бу хабарлардан анча сергак тортиб қолган.

Кўча куйда, маҳалларларда Андижон қатлиомига бир йил тўлиши муносабати билан тарқатилган СМС хабарлари ҳақида одамлар гоҳ ошқора гоҳ пичирлашиб сўзлашаётганига гувоҳ бўласиз.

«Одамлар Муҳаммад Солих номини эшитганларида худди ўз халоскорларини

ҳибсда ушлаб туришган. Швеция расмийлари Муҳаммад Солихни ордан бир кун ўтиб қўйиб юборишган.

Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий важларга асосланган таъқиблари ҳисобга олинадиган бўлса, дейилади Хьюман Райтс Вотч ҳисоботида, расмий Тошкент томонидан ҳибсга олиниши сўралган ҳар қандай ҳужжатга ишончсизлик билан қаралиши керак. Хьюман Райтс Вотч ташкилотининг Оврўпо ва Марказий Осиё бўйича бошлиғи Холли Картнер Швеция

ҳукумати Муҳаммад Солихдан расман кечирим сўрашини талаб қилган ва келажакда ўхшаш хатоларга йўл қўймасликка чақирган.

Шу ҳафта бошида Хьюман Райтс Вотч ва бошқа халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари виза таъқиқи қўйилган ўзбекистонлик мулозимлар рўйхатига Президент Ислон Каримовни ҳам киритишди талаб қилишганди. «Муҳаммад Солихнинг Интерпол рўйхатидан олинмагани ҳолда Президент Ислон Каримовнинг Оврўпода бемалол сафар қилиши - бемаъниликдир» - дейилади Хьюман Райтс Вотч ташкилоти баёнотида. Айни дамда «Эрк» демократик партияси раҳбари Лондонда Британия парламенти вакиллари ва Ташқи ишлар вазирлиги мулозимлари билан мулоқотлар ўтказган. Муҳаммад Солих душанба куни Британия парламенти Марказий Осиё бўлимида чиқиш қилади.

(BBC, 19.05.2006)

кўргандек суюниб кетишди. Бу хабарлар Муҳаммад Солихни ўз ватанига қайтиши ва жамиятда бўлажак ўзгаришлардан нишонами?», дейди суҳбатдошимиз. Каримов Ўзбекистонни ҳар қанча ихота қилиб олмасин барибир 21 асрда яшаётган ўзбек халқи ўзига керакли ахборотларни қандай йўллар билан бўлмасин олиши имкониятига эга. СМС хабарлари аҳолини диктатурага қарши курашга чорловчи

оддий бир йўлдир, деган қарашлар ҳам бор. Каримов ўзбек халқига ва жамиятга қанчалик ўз матбуоти ва ОАВ орқали босим ўтказмасин, муҳолифат интернет ва уяли телефон орқали бўлсада ўз гояларини мамлакат ичига ёйишга имкон топиши мумкин экан. Буни Андижон воқеаларига бир йил тўлиши муносабати билан тарқатилган СМС хабарлари очик тасдиқлаб турибди. Ёки Ўзбекистон бўйлаб озодлик эпкинлари эса бошлади-ми?

(www.uzbekinfo.org, 12.05.2006)

ЛОНДОН УЧРАШУВЛАРИ

Стокгольмдаги "саргузашт"дан сўнг "ЭРК" лидери Муҳаммад Солих Лондонга етиб келди ва ҳибс боис тўхтаб қолган ҳаракатларини давом эттиришга киришди. У Лондондаги Чет эл матбуоти Ассоциацияси журналистлари (The Foreign Press Association in London) билан учрашди. Англия парламентининг Инсон ҳуқуқлари кўмитасида чиқиш қилди.

Солих жаноблари, шунингдек, Англия ташқи ишлар вазирлигида ҳам қабул қилиниб, Андижондан сўнгги вазият ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Сафар сўнггида у Парламентда Ўрта Осиё кўмитаси раиси Грег Ханд жаноблари томонидан қабул қилинди. Суҳбат чоғида Ўрта Осиёдаги ҳозирги вазият, инсон ҳуқуқлари ва демократия масалалари муҳокама қилинди. Хабарингиз бор, ўтган ҳафта охирида Муҳаммад Солих Стокгольм аэропортида ўзбек ҳукумати талаби билан полиция томонидан қисқа муддат ушлаб турилган эди.

"Сешанба куни Швецияда таниқли ўзбек муҳолифати раҳбарининг қисқа муддат асосиз ушлаб турилиши бир бутун (тугал) Европанинг Ўзбекистон масаласида аниқ бир қарори хануз йўқлигидан далолатдир, Швед ҳукумати Муҳаммад Солих жанобларидан кечирим сўраса яхши бўларди", - деган эди Хьюман Райтс Вотчнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича директори Х. Картнер. "Муҳаммад Солих хануз Интерпол ордерида қолаётган бир пайтда Президент Каримовнинг Европа бўйлаб бемалол сафар қилиб юриши - бу абсурд бир ҳолат, ақл бовар қилмас бемаъниликдир!" - деб давом этади яна Х.Картнер.

"Сўнгги инцидент, ходиса - Европа сиёсатининг тутуриқсизлигидан, иккиюзламачилигидан нишонидир. Европа Иттифоқи Ўзбекистон режимида оид ўз принципаал муносабатини аниқлаб олиши керак!"

(BBC, 19.05.2006)

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



Микрочип бўлмаса, мияга микротўлқинларни ва рақамли тўлқинларни кўл телефони билан тарқатиш мумкин.

Катта халқаро фирмалардан сотиб олинган нарса ва кийимларда RFID (Radio Frequency Identification – Радио-тўлқин кимлиги) чиплари мавжуд бўлиб, бу нарса ва кийимлар шу микрочиплар ёрдамида таъқиб-назорат қилинмоқда. Келажакда аҳолининг ҳамёнларида ҳам RFID чиплари бўлади. Чипларга наномолекулалар билан биргаликда нано-колбалар (нано-идишлар) ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Зарур пайтда бу колбаларнинг ичидаги моддалар организмга инъекция (укол) қилиниши ёки олдиндан режалаштирилган бошқа йўл билан ишлатилиши мумкин. Яъни автомобил хайдамасак ҳам, уяли телефон олиб юрмасак ҳам, қаердалигимиз аниқланиши мумкин, чунки организмизда мавжуд нано-колба сунъий фазовий йўлдошдан ёки бирон бир компьютердан туриб топилиши, йўналтирилиши ва ишлатилиши мумкин.

Бугун дунё бўйича миллионларча аскар “хавфсизлик” баҳонасида яширинча микрочиплангандир.

Миллионларча уй ҳайвонлари ҳам “хавфсизлик” баҳонасида микрочиплангандир. Мингларча фуқаролар, ҳукуматлар тарафидан қилинган кундалик амалиётлар оқибатида “хавфсизлик” талаби билан микрочипланганлар. Бир қатор сиёсатчилар ва ҳукумат вакиллари, барча маҳбус ва асирларнинг “хавфсизлиги” баҳонасида уларни микрочиплашни талаб этмоқдалар. Янги туғилган гўдакларнинг вакциналар билан микрочиплашга мажбурловчи қонунлар қабул қилиш ҳақида талаблар бўлмоқда.

Ёпиқ даврлари камера тизимлари ва бошқа йўллар билан инсоннинг бармоқ излари, кафтларининг ичи, кўз корачиғи, юзи, юриш ва юз ифодаси хусусиятларининг биоўлчамлари олинади ва бу биоўлчам аниқлаш тизимларига ўтказилиши мумкин.

Шу тарзда у инсоннинг касалликлари, заиф нуқталари, хотирасидаги яширин ёзувлар ва руҳий ҳоли аниқланиши мумкин.

Фақат тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу юксак технология таҳоратли ва зикрли инсоннинг руҳий ҳолатини аниқлашга қодир эмас экан...

Нанотехнология ёрдамида зехни (онгни) назорат қилиш

Нанотехнология зехни назорат қилиш борасидаги ривожланишнинг энг охири босқичидир. Бу босқичида инсон биоробот (биологик баданли робот) ҳолига туширилиши мумкин.

ДНК молекулалари асос сифатида олиниб, бир Био-Нанотехнологик калит ҳисобланган “Наноактуатор” (“Нанофаоллаштирувчи”) ишлаб чиқартилган.

Соч толасининг мингдан бири кичиклигидаги наноактотуатор (микрочипнинг ихчам каналига боғланган ДНК молекуласининг ипи бўлиб) тирик ҳужайраларнинг табиий энергиясидан фойдаланиб, ишлайди. Шу тарзда юзага келган электрон сигналлар тўғри компьютерга ўтказилиб, тирик биологик тизимлар олами билан компьютер олами ўртасида алоқа ўрнатилади.

Наноактуатор. айна пайтда, организмлар орасида алоқа қилиш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Мазкур микрочип ҳар бир тўқимага, хусусан, ҳар бир мия тўқимасига жойлаштирилиши мумкин. Ва компьютердан келган сигналлар ёрдамида инсоннинг мияси ташқаридан назорат остига олиниши мумкин. Нано-норо-компьютердан мияга жойлаштирилган микрочипга келган сигналлар мияга бир комплект расмлар, товушлар, объектлар, хидларни етказиб бериб, мияга керакли дастурни юклаши мумкин.

Бу ҳолатда тушунчалар, истаклар, туйғулар, севинч ва асбийлашишлар нано-компьютер томонидан бошқарилиши мумкин. Натижада, тамоман бошқача, сунъий зехн (онг) юзага келиши мумкин.

Кичик, бир неча молекула катталигидаги наноактуаторлар тузга, сувга, унга ёки ҳар қандай бир озукага қўшимча модда сифатида аралаштирилиши ёки нафас оладиган ҳавога тарқатилиши ҳам мумкин.

Организмга ҳазм ёки нафас йўллари билан кирган нанопарчалар вужудимизни тўлдириб, унинг исталган ерига жойлашиши мумкин.

Нано-роботлар касалликларни даволай олади.

Инсон организмдаги ҳужайралар наноробот ва наноструктуралар (на-

нотузилмалар) воситасида молекуляр савияда таъсирлантирилиши, назорат қилиниши ва тузатилиши мумкин. Нанороботлар ҳужайраларни тузатиш ёки уларни янгидан ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўладилар.

Масалан, инсонда эрта склероз бошланса, унинг организмдаги нанороботлар касалликнинг қаерда жойлашганлигини топиб, касал ҳужайралар ва томирлардаги қолдиқларни механик ва кимёвий йўллар билан дарҳол тозалайдилар. Агар бирон бир генетик (ирсий) касаллик мавжуд бўлса, нанороботлар ушбу касаллик билан боғлиқ генни аниқлаб, кесиб олиб ташлайдилар ва унинг ўрнига сунъий “соғлом” бир ген жойлаштирадилар.

Ёки инсон кекса бошлаганда, нанороботлар унинг баданидаги ҳамма ҳужайраларни тузатиб, ёш ҳолатига қайтара оладилар. Натижада инсон доимо 20-30 ёшли одамдек кўрунади.

Минг йил олдин ўлган жонзотларни тирилтира олишди.

Барча жарроҳлик амалиётлари аъзоларда эмас, балки молекуляр савияда қилинади ва амалда инсон ўлмайдиган ҳолга келади.

Вужуддаги роботлар касалликни даволай олмаса, ер остида ёки юзидаги “Марказий тиббий компьютер”га уланиб, ундан ёрдам сўрайдилар.

Марказий тиббий компьютер эса, барча соғлиқ муаммоларига ечим топа олдиған даражада бўлади. Бу компьютер ҳатто креоник усул билан неча йиллар олдин музлатиб қўйилган одамларнинг ҳужайраларини миллионлаб нанороботлар ёрдамида таъмирлаб, тирилтиради. Шу тарзда минг йиллар олдин ўлган, аммо жасади қандайдир шаклда ҳимояланиб, чириб улгурмаган жонзот, ўсимлик, микроб, ҳашарот, балиқ, ҳайвон ёки инсон жасадларига янгидан “ҳаёт” берилади.

Барча инсонларнинг миялари ягона мия ҳолига келади.

Инсон организмдаги физиологик ишлов(функция)ларни ва одам иро-дасини бошқара оладиган нано-компьютерни энг кеч 2050 йилда ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолиддин Йўлдош